

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси делегацияси АҚШда бўлди

18.07.2015

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси делегацияси АҚШда бўлди. Улар мамлакатнинг бир канча йирик кутубхона муассасаларида бўлишди. Сафар чоғида улар АҚШ Конгресси кутубхонаси ҳамда бошқа кутубхоналарнинг иши билан танишиб чиқдилар. Шунингдек, Нью-Йорк, Бостон ва Бруклин жамоат кутубхоналари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Ўзаро тажриба алмашиш, икки томон ходимларининг хорижий стажировкаси масалалари кўриб чиқилди. “Биз АҚШ Конгресси кутубхонасининг “Электрон кутубхона” лойиҳаси дунёда жуда машҳурлигини билдик, – деди миллий кутубхона директори А. Хўжаев Kultura.uz сайтига берган интервьюсида. – У ўз таркибига рақамлаштирилган кўплаб китобларни олади. Улар ичида камёб нашрлар ҳам бор. Энди биз ушбу лойиҳага қўшилишни ўйлаяпмиз. Шунингдек, ихтисослашган музейлар ўз кутубхонасига эгалигидан мамнун бўлдик. Музейга нафақат экспонатларни кўриш, балки китоблар ўқиш ва фильмлар кўриш учун ташриф буюрилар экан”.